# «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир».

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 8-dekabr • Shanba • 149 (27.794) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.**

# АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ сана — Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлмиш мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиладиган даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий қонунимизда сайлов тўғрисидаги махсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва атрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илғор тажрибасига суянган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз – Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шароитлар туғдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итоат қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак.

*(Давоми 2-бетда)*

**Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.**

# Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўрнак ва намуна кўрсатган халқимизнинг муносиб вакиллари юксак давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Улар орасида ишлаб чиқариш соҳаларида, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида, илм-фан, маданият ва санъат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган кўплаб юртдошларимиз бор.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Бугун Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллик байрами арафасида сиз, азизларни, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эл-юртимиз намояндаларини табриклаш ва ана шу мукофотларни топширишни мен ўзим учун катта шараф деб биламан, — деди Юртбошимиз. — Ўзбекистоннинг бугун юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдида турган эзгу ният ва мақсадларга етиш, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида қўлга киритаётган натижалари – бу ҳеч кимга сир эмас — ўзгаларнинг ҳавасини тортиб, ўзимизга мамнуният, ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Шу борада мен бир фикрни доимо такрорлаб келаман: биз мамлакатимизни тараққий топтириш, олижаноб орзу-интилишларимизни рўёбга чиқаришда қандай улкан марра ва ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси, авваламбор, заҳматкаш, кўпни кўрган, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлиги, унинг оғир, айни пайтда фидокорона меҳнати билан қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистонимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш борасида бутун халқимиз қатори бугун мана шу муҳташам залда жам бўлган сиз, муҳтарам ватандошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз аввало Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган юртдошларимизни — «асримиз мўъжизаси» деб ном олган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган машинист Ҳамза Маҳкамов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаваторчиси Сайдали Раҳмонов, Тошкент шаҳридаги улкан қурилишларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи Тоир Дадахонов, фермерлик ҳаракатининг фаол вакили, уста пахтакор Халчахон Мирзаева, замонавий ҳаво кемаларини моҳирона бошқариб, ёшларга бу мураккаб ва масъулиятли касб сирларини ўргатиб келаётган Зархўжа Саидазимовни Ватанимизнинг олий мукофоти билан самимий муборакбод этамиз, деди Юртбошимиз.

*(Давоми 3-бетда)*

# Буюк бунёдкорлик ишларимизнинг ҳуқуқий асоси

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 15 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясига асосланишини алоҳида таъкидлади.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар халқимиз турмушининг янада фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда давом эттиришда мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови алоҳида ўрин тутишини, халқимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан бирини кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ташкил этади.

Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар Ижтимоий ҳимоя йилида янги босқичга кўтарилди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий харажатлари 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундай муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ таълим олиши, даволаниши, яшаши учун барча шароитлар яратилди. Бошқача айтганда, «Сен ёлғиз эмассан» деган даъват жамиятимиз ҳаётида чинакамига ўз ифодасини топмоқда.

Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар — «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруввват» уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди.

1997 йилдан буён янги йилга муайян ном бериш яхши анъанага айланган.

Шу анъанага биноан Президентимиз Ислом Каримов янги — 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

**23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# Аслиддин Рустамовнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 6 декабрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў.Мавлонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши раиси Ш.Умаров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиб, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори муттасил ошириб борилмоқда. Коммунал хизмат сифатини юксалтириш, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Қосимов, Навоий шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби директори Эътибор Зоҳидова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши раиси Лолагул Собирова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида, ошкора ўтаётгани ҳамда умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишини алоҳида таъкидладилар. Сайловчиларни шу йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга даъват этдилар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**







*Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Келгуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида урғу бериб тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас — бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин — бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустаҳкамланмоқда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда — очиқ, холис ва ҳаққоний асосда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг моҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида турган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу — айни ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган махсус Давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва холис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қамровли, авваламбор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ йўналиш ва тармоқларни ўзида мужассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу мақсадда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ва «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, шунингдек, «Ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонунлар айниқса эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларини тубдан ислоҳ қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйлайманки, ҳаётимизда бу соҳани янада такомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа «Сен ёлғиз эмассан» деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та «Меҳрибонлик» уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамизнинг хаёлимизга келади. Яъни, улуғ аждодимиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўксик болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, давлатимиз, халқимизнинг ишончли ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 мингдан зиёд оилага бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошлаган ишларимизнинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Олмалиқ шаҳридаги «Саховат» уйи, Андижон шаҳридаги кўзи ожизлар яшайдиган 2 та кўп қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилгани, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшитиш мосламаси, 5 минг дона ҳасса ва қўлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъанамизга кўра, бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қишки кийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур бўйича бажарилган муҳим тадбирлар қаторига киради.

Ўтган ёз мавсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз, шунингдек, 8 мингдан зиёд «Меҳрибонлик» уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Мурувват» уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида параолимпия мусобақалари ўтказилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, туғма нуқсонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол қатнашган хорижлик дўстларимизга сизнинг номингиздан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа — ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, «Мурувват» уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиладиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли устама ҳақ жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига мувофиқ ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзғорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойиқ, албатта.

Муҳтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваламбор, яқинда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга асосан фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган кишиларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина «Тошкенттрансхизмат» уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташкил этилганини уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар, ўйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шаҳар ҳаётидан кўплаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Маҳалла» ва «Нуроний», «Соғлом авлод учун» ва «Экосан», «Меҳр нури», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармалар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари кўплаб жамоат бирлашмаларига, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Юқорида келтирилган далил ва мисоллар аввало давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва хулосалар беихтиёр ҳар қайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Авваламбор, юксак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби туйғуларнинг ёрқин намоёни бўлмиш бундай ишларни амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизида айни бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари давомида юртдошларимиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўлида қилаётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай беқиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни енгиб бўладими?

Муҳтарам юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги — 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Азиз дўстлар!

Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кўзланган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз — фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши — олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи — тан олишимиз керак — ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш — ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими — бу ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада авваламбор қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топиши лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи дастурда муносиб ўрин эгаллаши лозим. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар белгиланиши даркор.

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

Кейинги йилларда бу масалада давлат идоралари билан биргаликда бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораётганини қўллаб-қувватлаш зарур.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизда ўтказилаётган «Ниҳол» ва Зулфия мукофоти танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаётгани барчамизни қувонтиради.

Мамлакатимизда шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятига хос бўлган ана шундай ибратли ишларни амалга ошираётган нодавлат ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш масаласи ҳам мана шу дастурда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим вазифаларимиз қаторидан жой олиши керак.

Қадрли дўстлар!

Мен «Ёшлар йили» давлат дастурида асосий эътибор беришимиз зарур бўлган баъзи бир энг муҳим масалалар ҳақида тўхталиб ўтдим, холос.

Бу дастур устида ишлайдиган, уни тайёрлашга масъул бўлган мутасаддилар авваламбор кенг жамоатчилик, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, ота-оналар ва мураббийлар, айниқса ёшларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб, бор куч ва имкониятларни ана шу устувор йўналишларни амалга ошириш учун қаратишлари лозим.

Ушбу дастурда ўз аксини топадиган барча-барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона ғоя ҳаммага очиқ аён бўлиши керак. Бу ғоя — ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бугунги кунда «Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу даъват биринчи навбатда мамлакатимизда тобора куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлиб бораётган, ҳаётда улкан вазифаларни адо этишга қодир бўлган ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва кайфиятига мос келади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак.

Мен кўп чиқишларимда ёшларга бўлган ишончим ва меҳримни ифода этиб, юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим, деб қалбимдаги эзгу туйғу ва тилакларимни билдираман.

Албатта, ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Ва айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқил бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлиғини бағишлайди.

Лекин мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман.

Азиз ватандошлар, сизларни Конституция куни билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этишда ўз умрини ижодий ва илмий фаолиятга бағишлаган зиёлиларимизнинг алоҳида ўрни бор. Бундай фидойи инсонларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари таъсис этилганидан барчангиз хабардорсиз.

Мамлакатимиз фан ва техника соҳаларини, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган 17 нафар ватандошимизга ана шу Давлат мукофотлари бугун биринчи бор топширилмоқда. Шулар қаторида бугун мана шу даврамизда ўтирган, давлатимизнинг фахрли унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланган барча юртдошларимизни яна бир бор самимий табриклайман.

Айниқса, ҳаётга катта умид ва ишонч билан қадам қўяётган навқирон авлод вакилларини, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон майдонларида баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизни қизғин қутлаш менга катта хурсандчилик бағишлайди , — деди Ислом Каримов. — Сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Шу кунларда марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ана шу мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим сифатида ғойибона бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман, — деди Президентимиз. — Муқаддас ҳадисларда яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир, дейилган. Шу маънода, сизларнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги эзгу ва олижаноб ишларингиз, фидокорона меҳнатингизнинг эътирофи бўлган, сизга ярашиб турган юксак нишон ва унвонлар барчангизга буюрсин, қилган меҳнатларингизнинг роҳатини кўриш насиб этсин.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиги бошлиғи Халчахон Мирзаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик Маҳмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Учқун Тиллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими, Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода заводи бош муҳандиси Абат Рамбергенов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Елена Борисова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдулла Тангриев, Фан ва техника соҳасидаги I даражали давлат мукофоти совриндори, Республика махсус кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Лола Зайнуддинова ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбеков ушбу мукофотлар бундан буён ҳам Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

**Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов фармонларига биноан турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Анъанага кўра Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва туманларда, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.**

# Эътибор ва эътироф ифодаси

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент шаҳри йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Бу ерда кўплаб муҳташам бинолар, йўллар, кўприклар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этилди, бундай хайрли ишлар изчил давом этмоқда. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан ҳамшаҳарларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди.

Конституция куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишлаб чиқариш, иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларига ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

✧✧✧

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган мукофотларни топшириш маросимида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар маънавий-маърифий соҳадаги ижобий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ экани таъкидланди. Юртдошларимизни, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга садоқат, буюк аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни ёт ғоялар таъсиридан асрашда, эзгу ишларга даъват этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир.

Жорий йилда ҳам маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мазкур соҳаларга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов топширди.

Тадбирларда сўзга чиққан мукофот соҳиблари юртимизда ҳалол ва фидокорона меҳнат доимо қадрланиб, эътироф этиб келинаётганини таъкидлаб, юксак ишонч ва эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

# «Ёшлар йили»

## ғамхўрлик, ишонч ва масъулият намунаси

***Пойтахтимиздаги Туркистон саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн беш йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантанасида Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилгач, залда гулдурос қарсаклар янгради. Президентимиз кўпчиликнинг дилидаги масалани ўртага ташлаганининг исботи эди бу.***

***Мухбиримиз тантанали йиғилиш иштирокчиларининг айримларидан Юртбошимиз таклифи ҳақидаги таассуротларини сўради.***

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ўтаётган йилимиз — «Ижтимоий ҳимоя йили»да жуда улуғ ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз ҳозирги маърузасида бу ишларнинг бир қисмини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Эндиги йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани барчамизнинг дилимиздаги иш бўлди. У киши таъкидладики, мустақиллик йилида туғилган ёшлар 16га тўлди. Ўша йили мактабни битирганлар ўттиздан ошаяпти. Улар энди ўз ҳаётини йўлга қўядиган, рўзғорини мустаҳкамлайдиган даврни бошдан кечираяптилар. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг олтмиш фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бу Юртбошимизнинг ана шу ёшларга жуда катта ишонч билдираётганини англатади. Бунинг масъулиятини ўғил-қизларимиз тушуниб олишлари керак, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, биз, катта авлод вакиллари оилада, ҳаётда фарзандларимиз, набираларимизга суянамиз, таянамиз, ҳаётимиз давомийлигини улар тимсолида кўрамиз. Шу маънода, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш бизнинг бурчимиздир. Бугунги куннинг ёшлари жуда иқтидорли, қобилиятли ёшлар. Уларни қанча қўллаб-қувватласак, эртага албатта бунинг мевасини кўрамиз.

Катта-катта илмий даргоҳлар, ижодий ишларда ҳам уларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса спорт соҳасидаги муваффақиятларини барчамиз кўриб, олқишлаб турибмиз. Адабиёт соҳасида бугун ёшлар катта-катта романлар яратаяпти, драматик асарлар ёзаяпти. Президентимизнинг ўзи ҳам ёшларнинг ана шундай муваффақиятларидан руҳланиб, уларнинг куч-қудратига ишониб, янги йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди.

**Азмиддин МАҲМУДОВ, «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими кенгаши раиси, ЎзХДП фаоли:**

— Мана, кейинги йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Энди бу борада давлат дастури қабул қилинади, жуда катта ишлар амалга оширилади. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун қанчадан-қанча маблағ сарфланади. Биз, ёшлар бу улкан ғамхўрлик масъулиятини англаб, унинг қадрига етишимиз керак. Демак, ҳар биримиз бундан кейинги фаолиятимизда янада юксак ютуқларга эришиб, жамиятда, ишда, ўқишда, жаҳон миқёсида ўзимизни кўрсатиб, ана шундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб қайтаришимиз зарур.

**Дилбар СИДДИҚОВА, Тошкент давлат маданият институти магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати:**

— Президентимиз ҳар доим биз, ёшларга алоҳида эътибор билан қарайди. Ҳақиқатан ҳам биз учун катта имкониятлар, шароитлар яратилган. Бундан тўғри фойдаланган ёшлар жуда улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина қизларнинг истеъдодини юзага чиқариш, қобилиятини янада ривожлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганини олайлик. Мен бу мукофотга эришиш жараёнида кўплаб қобилиятли, юксак билим чўққиларини эгаллашга интилаётган, кенг дунёқарашли, теран фикрли қизларни кўрдим. Уларнинг ҳар бири мукофотга лойиқ. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани мамлакатимизда яшаётган ҳар бир йигит-қиз учун қувончли воқеа бўлди, деб ўйлайман...

Байрам тантаналарида кўплаб ёшлар иштирок этишди. Ҳар бирининг юзида шодлик, ўзгача бир сурур-ифтихор. Ватан меҳри, ҳукумат эътибори, Юртбоши ғамхўрлиги ҳар биримизни янги марраларга ундайди.

Бугун ёш авлодга берилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар келажагимизни нурли қилиши шубҳасиз.

**Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

# Миср матбуоти Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида

**Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

Тадбирда Миср Араб Республикасининг ижтимоий-сиёсий, илмий, таҳлилий доиралари ҳамда мамлакат етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Мисрда нашр этиладиган «Абулхаул ад-Давлия» газетаси Ўзбекистон Асосий қонуни қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган мақола эълон қилди.

«Миллий давлатчиликнинг пойдевори» сарлавҳали мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида давлат ва жамият қурилишининг янги тамойиллари ҳамда ўзбек давлатчилиги тараққиётининг тарихий тажрибасига таянувчи сарчашма мужассам бўлгани ҳолда у маданий, миллий анаъаналар ва ўзига хосликларни ифодалаши, шунингдек, жаҳон тажрибасини инобатга олгани алоҳида таъкидланади.

«Абулхаул ад-Давлия»нинг қайд этишича, Ўзбекистон Конституцияси халқ ҳокимияти, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши, давлат суверенитети, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши, Конституция ва қонун устуворлиги, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, иқтисодий фаолият шаклларининг кўп қирралиги, давлатнинг ижтимоий хусусияти, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли иштироки сингари демократик конституция қурилиши тамойилларининг яхлит тизимини мустаҳкамлайди.

Конституциявий меъёрларнинг демократлилиги фуқаролар манфаатларини ҳимоя этишга, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга, мамлакатда парламентаризмни ривожлантиришга кўмаклашади, деб ёзади Миср газетаси. Конституциявий механизм яратишнинг муҳим аҳамияти конституция меъёрларига риоя этилишини кафолатлаш билан изоҳланадики, у жамият ва давлат тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади.

250 минг нусхада чоп этиладиган ушбу ижтимоий-сиёсий ҳафталик нашр нафақат Мисрда, балки бошқа араб мамлакатларида ҳам ўқувчиларига эга.

**«Жаҳон» АА
Қоҳира**

## Зилзила рўй берди

Япониядаги Торишима кичик ороли яқинида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллга тенг бўлган зилзила рўй берган. Reutersнинг хабар беришича, зилзила эпицентри Токио жанубидан 500 км. узоқликда жойлашган бўлиб, у маҳаллий вақт билан 9.48 да бошланган. Жабрланганлар ва талофатлар ҳали аниқланмади. Октябрнинг бошида табиий офатлар бўйича марказий қўмита Японияда кучли зилзила рўй беришини тахмин қилганди. Кунига Японияда бир неча ер ости қимирлаши кузатилади, улардан ўртача учтаси аҳолига сезиларли даражада бўлади.




Бухоро туманидаги
«Арбоб Ғайбулла»
фермер хўжалиги жамоаси



**Ўзбекистон халқини мамлакатимиз асосий Қонуни — Конституциямизнинг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан муборакбод этади!**

**Конституциямизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақлидир, дейилган.**

**Бу амалда ўз ифодасини топганини биргина туманимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб тадбиркору фермерлар мисолида кўриш ва бундан фахрланиш мумкин.**

**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида.**

**Яна бир бор бугунги байрам барчамизга қутлуғ бўлсин, ҳар бир оила тўкин-сочин, фаровон бўлишини тилаймиз!**



Спорт

# «Улоқ-Кўпкари» дунёга чиқмоқда

## дейди Ўзбекистон «Улоқ-Кўпкари» от спорти федерацияси бош котиби Жўрақўзи Турдиматов

**26-30 декабрь кунлари «Улоқ-Кўпкари» от спорти бўйича «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтади. Ўзбекистон от спорти федерацияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти ташаббуси билан уюштирилаётган бу мусобақани Бешариқ туманида ўтказиш режалаштирилган. Бу ҳақда батафсил гапириб беришни сўраб Ўзбекистон «Улоқ-Кўпкари» от спорти федерацияси бош котиби Жўрақўзи ТУРДИМАТОВга мурожаат этдик.**

***— Жўрақўзи ака, аввало, «Улоқ-Кўпкари» от спорт тури ва унинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз?***

— Улоқ-Кўпкари ўйинлари ўзбек халқининг қадимий, миллий, оммавий ўйинларидан бири бўлиб, асосан, ҳосил байрамларида, тўйларда ҳамда саналарга бағишлаб ташкил этилган. Азалдан халқимизда оилада ўғил туғилиши меросхўр авлод, ўринбосарнинг дунёга келиши сифатида эъзозлаб келинган. Улоқ-кўпкари ўйинлари қадимда фақат оммавий томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан, балки йигитларни мард, жасоратли қилиб тарбиялаш, чавандозлик ва ҳарбий маҳоратини ошириш мактаби вазифасини ҳам ўтаган. Марказий Осиё халқларида чорвачилик, хусусан, йилқичиликнинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган. Улоқ ўйинлари орқали от наслини яхшилашга, чидамли, ҳаракатчан зотларни кўпайтиришга ҳам эътибор берилган. Шу ўринда Хитой манбаларида Ўрта Осиё арғумоқларига лол қолингани ҳам бежиз эмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки от зотларининг ҳаммаси ҳам улоқ ўйинларининг ўзига хос қийинчиликлари, тартиб-қоидаларига чидаш бера олмаган. Олинган маълумотларга кўра, араб, ахалтегин, қорабайир, курама, ҳозирги Орлов зотли отлар улоқчи отлар ҳисобланади.

***— Бугунги кунда ташкил этилаётган мусобақалар қандай тартиб-қоидалар асосида ўтказилмоқда?***

— Аввало «Улоқ-Кўпкари» мусобақасини янгича қоида ва низомга мувофиқ ташкиллаштириш мақсадида мутахассислар жалб қилинди. Эндиликда улоқчилар маълум жамоаларга бирлашади. Отчопар майдони аниқ бўлиб, 12000 метр² ҳисобида белгиланади. Худди футболдаги каби ярим финал ва финал ўйинлари учун 20 дақиқадан 2 таймли баҳслар уюштирилади. Жамоада эса 15 нафардан улоқчи бўлиб, уларнинг 10 нафари асосий ўйинчи, қолгани захира ҳисобланади. Мусобақа бошланганидан кейин улоқчилар ўлжани майдон ўртасидан олиб, ўз дарвозаларига олиб бориб ташлайдилар. Бунинг уддасидан чиққан томонга бир балл ёзилади. Борди-ю улоқчи майдон чизиғидан ўтиб кетса, ҳакам ҳуштаги янграб мусобақа тўхтатилади. Кейин улоқ яна майдон марказига келтирилиб, баҳс қайтадан бошланади. Бунинг учун бор-йўғи 5-10 сония сарфланади. Улоқ қоидасига кўра, чавандоз ўз отини рақиб олдига кўндаланг қўйса ёки атайлаб отини жиловласа, қоида бузилган ҳисобланиб огоҳлантирилади. Бундай қоидабузарлик қайта такрорланса, улоқчи мусобақадан четлаштирилади.

***— Республикамизда бу спорт турини янада оммавийлаштириш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?***

— Мусобақалар туман ва вилоятларда дастлабки босқич сифатида ташкил этилмоқда ва бу кучлилар саралинишига имконият яратяпти. Шунинг учун, «Улоқ-Кўпкари» тобора оммавийлашиб бормоқда. Республика биринчилиги эса ҳар икки йилда бир марта уюштирилади. Энг муҳими, бу ўзига хос беллашувни янгича қоида ва низомга мувофиқ ўтказишга қарор қилингани ёшларимизнинг жисмоний камолотини янада оширишда жасоратли, ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат кубоги, Республика очиқ чемпионати, Андижон шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб, Фарғона вилоятида «Олтин водий», Навоий вилоятида буюк шоир Алишер Навоий хотира турнирлари сингари ўнлаб йирик мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

***— Мазкур спорт турининг ривожи йўлида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари соврини учун ўтказиб келинаётган халқаро турнирнинг аҳамияти қандай?***

— Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, «Улоқ-Кўпкари» от спортини ривожлантиришда бу газеталарнинг ҳиссаси жуда катта бўлаяпти. 1998 йилдан бери мунтазам ўтказилаётган ушбу турнирда нафақат юртимиз, балки Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон давлатлари чавандозлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бундай нуфузли мусобақада улоқ чопиш ёш чавандозларимиз учун шараф саналади.

***— Ҳеч кимга сир эмаски, Юртбошимизнинг ташаббуси билан жуда қисқа вақт ичида миллий курашимиз халқаро майдонга чиқди. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари ташкил этилмоқда. Жумладан, яна бир миллий спорт туримиз — «Улоқ-Кўпкари»ни ҳам шу даражада жаҳонга олиб чиқиш учун қандай ишлар олиб борилмоқда?***

— Ҳозирда дунёнинг қирқдан ортиқ давлатларида «Улоқ-Кўпкари» от спорти федерациялари фаолият кўрсатмоқда. 2008 йилда Туркияда Евро-Осиё чемпионати, Францияда биринчи жаҳон чемпионати ўтказиш режалаштирилган. Ажабмас, ҳадемай миллий ўйинимизга Америка, Африка давлатлари ҳам мезбонлик қилса...

**Аброр МЕЛИБОЕВ суҳбатлашди.**



Футбол

# «Пахтакор»нинг мағлубиятсиз мавсуми

Ўзбекистон XVI миллий чемпионати баҳсларига якун ясалди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси олтин, олий лига дебютанти — «Қурувчи» футболчилари кумуш ҳамда Муборакнинг «Машъал» жамоаси аъзолари бронза медалларини қўлга киритишди.

Эртага бўладиган «Пахтакор» — «Қурувчи» жамоалари учрашувидан сўнг навбатдаги Ўзбекистон кубоги соҳиби аниқланади. Мамлакат XVI миллий чемпионати баҳсларини эса 6 декабрь куни ўтказилган 30-тур ўйинлари якунлаб берди. Сўнгги тур учрашувлари XVI миллий чемпионатнинг омадсиз жамоалари маълум бўлди.

Агар ушбу ўйинларда «Локомотив» мағлубиятга учраб, «Металлург» футболчилари ғалаба қозонгудек бўлса, темирйўлчилар олий лигани тарк этарди. Бекободликлар эса кучлилар сафидаги мавқеини сақлаб қолишар эди. Аммо уларнинг рақиблари бунга имкон беришмади: «Тўпаланг» — «Локомотив» — 1:1, «Пахтакор» — «Металлург» — 2:0.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Нефтчи» — 1:0, «Бухоро» — «Трактор» — 5:3, «Навбаҳор» — «Машъал» — 0:1, «Самарқанд-Д» — «Қизилқум-Олтин» — 6:1, «Шўртан» — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 2:1, «Қурувчи» — «Вобкент» — 6:1.

**Якуний жадвал**

| | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Пахтакор»** | **26** | **4** | **0** | **83-13** | **82** |
| **2. «Қурувчи»** | **22** | **5** | **3** | **62-16** | **71** |
| **3. «Машъал»** | **22** | **4** | **4** | **62-25** | **70** |
| 4. «Нефтчи» | 19 | 4 | 7 | 53-28 | 61 |
| 5. «Самарқанд-Д» | 14 | 8 | 8 | 48-36 | 50 |
| 6. «Насаф» | 13 | 5 | 12 | 43-43 | 44 |
| 7. «Қизилқум-О» | 12 | 3 | 15 | 42-64 | 39 |
| 8. «Навбаҳор-Н» | 11 | 4 | 15 | 37-41 | 37 |
| 9. «Бухоро» | 11 | 3 | 16 | 29-43 | 36 |
| 10. «Андижон-ЎзДЭУ» | 10 | 5 | 15 | 37-45 | 35 |
| 11. «Трактор» | 11 | 1 | 18 | 45-58 | 34 |
| 12. «Тўпаланг» | 8 | 6 | 16 | 29-43 | 30 |
| 13. «Шўртан» | 8 | 5 | 17 | 32-51 | 29 |
| 14. «Локомотив» | 6 | 8 | 16 | 25-43 | 26 |
| **15. «Металлург»** | **6** | **5** | **19** | **32-62** | **23** |
| **16. «Вобкент»** | **3** | **6** | **21** | **23-70** | **15.** |


Ташкилот ишлатилган қуйидаги жиҳозларни накд пул ёки пул ўтказиш йўли билан

**СОТАДИ**

| Т/р | Жиҳоз номи | Русуми | Сони (дона) | Бошланғич нархи, сўм | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | ХШ-12 | 1 | 1 299 822 | ишчи ҳолатда |
| 2. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | ХШ-12 | 1 | 742 755 | бузуқ ҳолатда |
| 3. | Электр плита | ЭПМ-3М | 1 | 256 528 | ишчи ҳолатда |
| 4. | Мажлислар зали ўриндиқлари | (театрга мўлжалланган) | 283 | 63 204,12 | яхши ҳолатда |

*Маълумот учун телефонлар: 139-18-49, 139-11-98.*


**Йўлдош ЭШБЕК**



Манзара

# Ўзбекистон боғлари

*Бу боғлардан хушбўй саринлик келур,*
*Жаннатий салқинлик келур соядан.*
*Кимнинг юрт боғидан ҳислари селдур,*
*Ўшадир давлатманд, озод, бой одам.*

*Супаларга сув сепганда келинлар,*
*Келар эди тупроқ тафти, ер ҳиди.*
*Нозбўйлардай соқоллари селкиллаб,*
*Чоллар бош тебратиб, завқ туяр эди.*

*Табассум қилсалар ёришарди ой,*
*Ва ханда отсалар сапчиб қўярди.*
*Осмонда қолмасди бирор синиқ жой,*
*Юртда қолмас эди ҳеч кўнгли ярим.*

*Қайда ўша қишки, кўкламги пок лой,*
*Қани ўша қишлоқ, кузги соф чанглар.*

*Ҳаммаёқ қумсувоқ, ҳатто тиниқ сой...*
*Қани у болалик — сирли оҳанглар.*

*Ортга қайтмоқ эмас, менинг тилагим —*
*Хотира қўйнига эди саёҳат.*
*Соғинчдан энтикар гоҳо юрагим,*
*Ўша поклик қолса, қолса диёнат.*

*Токи ярим кўнглим тўлсин бус-бутун,*
*Шукрона туяйин чоллар сафида,*
*Токи ловуллаган шу қуёш учун,*
*Тўлажак ой учун айтай қасида.*

*Кимнинг юрт боғидан ҳислари селдур,*
*Ўшадир давлатманд, озод, бой одам.*
*Бу боғлардан хушбўй саринлик келур,*
*Дилором салқинлик келур сойлардан...*

Археология янгиликлари

# Холчаён бойликлари

## бу йилги қазилма ишлари натижасида манзилдан оҳактошдан ясалган учта тагкурси, 10 метрли айвон девори топилди



Ўрта асрларда Чағониёнда 16 мингдан ортиқ турар-жой бўлгани аниқланган. Қадимда гуллаб-яшнаган бу маконнинг мозийдан сўзлагувчи осори-атиқалари эса халқимизни ҳамон ҳайратга солмоқда. Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Холчаён харобалари ана шундай маконлардан биридир. Манзилда ҳозиргача сақланиб қолган Қорабоғтепа, Шайиттепа, Сичқонтепа, Тўғаноқтепа, Маслаҳаттепа ва бошқа кўплаб тепалик ҳамда дўнгликлар сир-синоатларга бой эканлиги кўпчиликка маълум.

Денов туман ҳокимлиги ҳамда таниқли археолог Баҳодир Турғунов ташаббуси билан Холчаён харобаларида қазилма ишлари бошланганди. Ундан мақсад 2 минг йилдан ортиқ улкан тарихга эга Деновнинг ўтмиши, давр суронларидаги маданиятини аниқлашдир.

— Холчаёнда дастлаб ўтган асрнинг 60-йилларидан сўнг қазилма ишлари бошланганди, — дейди археолог Баҳодир Турғунов. — Манзилдан терракота ҳайкалчалари, сопол буюмлар, қувурлар, тагкурсилар, кўплаб қадимий тангалар топилган. Қадимшуносларимиз бу йилги қазилма ишларини Холчаён яқинидаги Қорабойтепада бошлашди. Дастлабки куниёқ тепаликнинг шарқий қисмида учта тагкурси, мустаҳкам деворга дуч келдик. Эрамиздан аввалги IV-II-асрларга оид тагкурсилар қадимда саройнинг пешайвон қисмида ўрнатилган, деган хулосага келинди. Турлича бўлган ушбу қурилиш ашёсининг диаметри 4 метргача, баландлиги 54 сантиметрга тенг. Таг қисм айланаси 80-90 сантиметр. Оғирлиги 500 килогача келади. Оҳактошдан ишланган устун заминига мукаммал ишлов берилган. 10 метрли девор хом ғиштдан қурилган. Эни 1 метру 45 сантиметр. Баландлиги 1,5 метрга яқин. Топилмалар яхши сақланганлигини эътироф этиш жоиз. Бу — қадимда Қорабоғтепада ҳам уч устунли ҳашаматли сарой бўлганидан далолатдир.

Сурхон воҳасида 220 дан ортиқ ана шундай жавоҳирлар мужассам маскан мавжуд экан. Биргина Денов туманида эса уларнинг сони элликка яқин. Мустақиллик шарофати билан ўзида кўплаб сир-синоатларни яширган тилсимлар очила бошлади. Айни кунларда археолог ва қадимшунослар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам изланишлар олиб боришмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



***Суратларда:*** *Қорабоғтепадан топилган тагкурсилар; археологлар асрлар оша тупроқ остида қолиб кетган деворни кўздан кечиришмоқда.*

**Шавкат ЧОРШАНБИЕВ олган суратлар.**

Савоб

# Чирчиққа бир келсангиз...

Ёшим 73да. Бемалол оёғимни узатиб, невара-чеваралар ардоғида дам олиб ётсам ҳам бўлади. Лекин нимасини айтасиз, бир умр ишлаган одамнинг дам олишга вақтиям, ҳафсаласиям бўлмас экан. Эртадан кечгача ҳар куни Чирчиқ шаҳридаги «Х.Мақсудов» номли маҳалланинг қувонч-ташвишлари билан бандман.

Йўқ, мен бугун ўзим ҳақимда эмас, балки маҳалла-кўй ва шаҳримизда кейинги йилларда бўлаётган катта ўзгаришлар, ободончиликлар ҳақида сўзламоқчиман. Бозорларимиз тўкин, катта-кичик йўлларимизнинг бари текис ва равон, газ таъминоти ҳамда электр хизмати кўрсатиш яхши. Айниқса, якунланаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да шаҳримизда барча соҳаларда, хусусан, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, хуллас, жуда катта хайрли ишлар амалга ошдики, буларни айтмасам инсофдан бўлмас.

Оддий бир мисол: шахсан ўзим шу йил кўзим хиралашиб, охири кўрмай қолганим учун мададга муҳтож бўлиб, шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдим. Ишонасизми, энди қанча маблағ сарфланганини айтмай қўя қолай, хорижга бориб операция бўлдим. Кўзим дунёни кўрган куни сизларга лоф бўлиб туюлар, лекин менга рост, бағри кенг халқимизни кўзларимда ёш билан дуо қилдим. Ҳар доим ўз фуқароларини ўйлайдиган, саховат кўрсатадиган ҳукуматимиз борлигидан бошим осмонга етди. Катта дарёдан бир томчи, деганларидек, бу битта менинг ҳаётимдаги унутилмас воқеа холос. Энди тасаввур қилинг, ахир мендан бошқа яна қанчалаб инсонлар давлатимизнинг, шунингдек, ўзлари яшаётган маҳаллий ҳокимликларнинг, қўли очиқ ҳомийларнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлаяпти. Буларни баралла айтиш керак. Эл-улус билиб қўйсин.

Ёки бўлмаса, маҳаллаларимизда яшаётганлар шу йилнинг ўзида бир дунё яхшиликларга гувоҳ бўлишди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан йил давомида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Саховат» деб номланган хайрия тадбирларини айтмайсизми. Ўнлаб кўнгли яримлар, ногиронлар, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар кўмагида юзлаб хонадонларнинг коммунал тўловлари амалга оширилди. Кам таъминланган оилалардан бир нечтасига сигирлар совға қилинди. Яна...

Яхшиси, халқона айтганда, минг бор эшитгандан кўра, мен айтаётган ўзгариш ва янгиликларга шубҳангиз бўлса, йил сайин обод ва кўркам бўлиб бораётган қадрдон Чирчиғимизга бир келинг.

**Саидаҳмад ҚАЮМОВ, Чирчиқ шаҳри.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1150
7929 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 02.00
Topshirilgan vaqti — 02.20
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda